# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 136 (8.871) ◆ 1996 йил 15 ноябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## БЕЛГИЯГА ТАШРИФ САМАРАЛИ ЎТДИ

*БРЮССЕЛ, 13 ноябрь. (ЎзА мухбири Муҳаммад Шариф хабар қилади).*

12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Белгия қироллигига келди. Мамлакатимиз раҳбари бугун эрталаб НАТОнинг Брюсселдаги бош қароргоҳига ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов бу ерда НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан учрашиб, Ўзбекистон НАТО алоқалари, хусусан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама этди. Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари Белгия Ташқи савдо офисига ташриф буюриб, ушбу мамлакатнинг йирик тадбиркорлари ва компаниялари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Президент Ислом Каримов шу ерда мазкур офис фахрий раиси шаҳзода Филипп билан суҳбатлашди. Белгия парламентида вакиллар палатаси раислари ва сенати номидан Ўзбекистон Президенти шарафига қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ўта тиғиз сафар дастуридан Брюссел шаҳар ҳокимлигига ташриф ҳам ўрин олган эди. Ислом Каримов шаҳар маъмурияти раҳбарлари ҳамда кенгаши аъзолари билан учрашди.

Шу куни кечки пайт Брюсселдаги Эгмонт саройида Ўзбекистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан кейин Президент Ислом Каримов ва Белгия Бош вазири Жан-Люк Дехане яккама-якка суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида фикр алмашдилар. Айни пайтда Ўзбекистон — Белгия расмий делегацияларининг музокаралари бошланди. Музокаралар якунида мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳужжат имзоланди.



***

*БРЮССЕЛ, 14 ноябрь. (ЎзА мухбири Муҳаммад Шариф хабар қилади).*

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Белгияга расмий ташрифи самарали ва сермазмун ўтаётир. Кеча НАТО қароргоҳи, Белгия парламенти, Белгия Ташқи савдо офиси ва Эгмонт саройида бўлиб ўтган мулоқотлар ҳамда учрашувлар якунлари ана шундан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Белгия раҳбарияти Марказий Осиёда алоҳида мавқега ва улкан имкониятларга эга Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни равнақ топтиришга алоҳида эътибор бераётир. Шунингдек, мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи ва унинг ташкилотлари билан алоқалари ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Ўзбекистон Президентининг ушбу сафардан мақсади Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари, жумладан унинг марказида жойлашган Белгия билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Шу ўринда Белгия матбуоти Президент Ислом Каримов ташрифига катта эътибор бериб, уни кенг ёритаётганини таъкидлаш ўринли. Жумладан, Белгиядаги энг обрўли нашрлардан бири бўлган «Суар» ташриф арафасида Ўзбекистон раҳбарининг газета мухбири билан суҳбатини эълон қилди. Унда Президент Ислом Каримов мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан муносабатлари мазмунини қуйидагича ёркин изоҳлаб берган:

«Бизнинг мамлакатимиз жуда бой. Аммо, ундан фойдаланиш учун технологияларга эга эмасмиз. Келинг, янги технологияларингизга хомашё алмашайлик. Бундан барча манфаат кўради».

Бугун эрталаб мамлакатимиз раҳбари Белгия Қироли Алберт II билан учрашиб, икки мамлакат муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Президент Ислом Каримов шу куни Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) президенти Жак Сантер билан ҳам мулоқотда бўлди. ЕИК президенти номидан Ўзбекистон раҳбари шарафига зиёфат берилди.

Тушдан кейин Европа Иттифоқи кенгашида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида оралиқ битими имзоланиши режалаштирилган.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Брюсселдаги «Вал дюшес» қароргоҳида Белгия Бош вазири ўринбосари, молия ва ташқи савдо вазири Филипп Мейстадтни қабул қилади. Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон ва Белгия ўртасида икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги конвенция ҳамда ҳаво алоқасини йўлга қўйиш ҳақидаги битим имзоланиши кўзда тутилган.

***

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Белгиядан Тошкентга қайтиб келди.

*СУРАТДА: Президент Ислом Каримовнинг ЕИК президенти Жак Сантер билан мулоқоти пайти.*

*Рейтер сурати.*

*(«Жаҳон» ахборот агентлиги орқали олинди.)*

## ЎЗБЕКИСТОН ВА НАТО

1989 йили Берлин деворининг қулаши, Германиянинг бирлашиши (1990 йил октябри), Совет Иттифоқининг тарқаб кетиши, Марказий ва Шарқий Европада туб ўзгаришлар содир бўлиши билан «совуқ уруш»га чек қўйилди. Шу муносабат билан НАТО стратегияси ҳам ўзгарди. Янги шериклар билан мулоқот ва ўзаро муносабатлар НАТО Иттифоқи фаолиятининг асосий жиҳатларидан бирига айланди. Янги шерикчиликнинг келажагини кузатиб бориш мақсадида Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгаши ташкил этилди. Бу ташкилот таъсис мажлисидан уч ой ўтиши билан Ўзбекистон ҳамда собиқ СССРнинг бошқа яна тўққиз давлати ана шу Кенгашга аъзо бўлиб кирди. Шу тариқа 1992 йил мартидан республикамизнинг НАТО билан ҳамкорлиги бошланди.

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг имзоланиши ўзаро муносабатларимизнинг қисқа бир тарихидаги иккинчи муҳим босқич бўлди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга жиддий ҳаракат қилаётгани унинг ана шу дастур доирасида ҳамкорлик қилишга тайёр эканидан далолат беради.

— Биз Ўзбекистоннинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштирокидан мамнунмиз, — дейди НАТО Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Гебхард Фон Мольтке ўз сўзида. — НАТО Иттифоқи билан Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгаши ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорликлари республика обрўйини кўтарди, деб ўйлайман. 1996 йил 28 июнида Ҳарбий сиёсий раҳбарлик қўмитаси мажлисида тасдиқланган Ўзбекистон ва НАТО ўртасида шерикликнинг индивидуал дастури алоқаларимизни янада мустаҳкамлади. Бу дастурда иштирок этиш Ўзбекистон зобитларининг ҳарбий-сиёсий соҳадаги билимларини ошириш, Шимолий Атлантика қуролли кучлари тузилмаси ва тартиботини ўрганиш, НАТОга аъзо бўлган турли давлатлар қўшинлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёни билан танишишига имкон яратади.

Бу дастурга мувофиқ, шу йилнинг охиригача республикамизнинг НАТО ўтказаётган 76 тадбирда иштирок этиши кўзда тутилган. Шерикликнинг индивидуал дастури асосида ҳарбий бўлинмалар қўшма ўкувларда қатнашишга киришдилар. 1995 йил августида АҚШда «Кооператив Наггет», бир йилдан кейин эса «Кооператив Оспрей» ҳарбий машқлари бўлиб ўтди. Бу машқлар Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгаши ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилди. Шу йил сентябрь ойида икки томонлама ва кўп томонлама битимларга кўра, Ўзбекистонда биринчи бор «Баланс ультра — 96» машқлари ташкил этилди. Уларда АҚШ бўлинмалари ҳам қатнашди. 1997 йили республикамиз ҳудудида Марказий Осиё давлатлари тинчликни таъминлаш батальони — «ЦЕНТРАЗБАТ» ва АҚШ ҳарбий бўлинмаларининг машқлари ўтказилиб, уларда НАТОга аъзо давлатлар ҳарбий бўлинмалари ҳам иштирок этади.

Жаноб Гебхард Фон Мольтке бундан икки йил муқаддам Тошкентда бўлган, мутахассисларимизга «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича маслаҳатлар берган, Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирликларида музокаралар олиб борган эди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг фаоллиги НАТОга аъзо давлатларнинг ижобий баҳосига сазовор бўляпти. Бу ташкилотнинг синчилари Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги барқарорлик омили, деб ҳисоблайдилар. НАТО Республика раҳбариятининг сиёсий ва ҳарбий масалалардаги қатъий ва изчил йўлини алоҳида таъкидлайди. Ўзбекистоннинг низоли ҳудудларда тинчлик ўрнатиш, гиёванд моддалар савдоси, ноқонуний қурол-яроғ сотиш; террорчиликка қарши биргаликда курашга қаратилган ташқи сиёсати таъсирчанлиги, изчиллиги Ғарб мутахассисларининг диққатини тортяпти.

— Давлатингиз раҳбарининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича ташаббуслари бизга яхши маълум, — деди НАТО Иттифоқи Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси. — НАТО Президент Ислом Каримовнинг урушаётган томонлар ўртасида тинч музокараларни ўтказиш фикрини қўллаб-қувватлайди. Чунки фақатгина сиёсий воситалар билан ижобий натижага эришиш мумкин. Биз Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларини ҳам маъқуллаймиз.

НАТОда Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига ҳар томонлама ҳозирлик изҳор этилмоқда. Бу НАТО ва Ўзбекистон ҳарбий бўлинмаларининг табиий ва экологик офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар пайтида, фуқаро мудофааси бўйича, қуролларни стандартлаш каби соҳаларда ўзаро тактик ҳаракатлар тизимини яратишга ҳам дахлдор. НАТОнинг бошқа имкониятлари, масалан, Фан қўмитасининг жамғармасидан фуқаро муассасалари, олимлар кенгроқ фойдаланишлари мумкин.

Жаноб Гебхард Фон Мольтке Президент Ислом Каримовнинг НАТО қароргоҳида бўлиши ва Бош котиб Хавьер Солана билан учрашуви НАТО Иттифоқининг Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларига янги туртки беради, деб умид билдирди. Айни пайтда у НАТОга аъзо давлатларнинг эътиборини Марказий Осиё минтақавий муаммоларига жалб этади, Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгаши ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Темур НИЗАЕВ,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги,**
**Брюссел шаҳри.**

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистонда инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга хорижий сармоялар жалб этишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида Бош вазир Ўткир Султонов нутқ сўзлади, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

● Марказий сайлов комиссияси 10 ноябрда бўлиб ўтган сайлов натижаларини кўриб чиқиб 84-Хатирчи сайлов округидан Навоий вилоятининг ҳокими Ҳаёт Ғаффоровни, 113-Каттақўрғон сайлов округидан Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиевни Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олди.

● Республика газета ва журналлари бош муҳаррирлари 1997 йил учун матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, фирмалар, жамғармалар, маҳалла қўмиталари раҳбарлари, ишбилармонлар ва барча обуначиларга мурожаат билан чиқдилар.

● Тошкентда энергетика назорати ишлаб чиқариш корхонасида «Эй-Би-Би» компаниясининг электр ҳисоблаш асбоблари тақсимоти бўлиб ўтди.

● Кеча Тошкентда Франция фильмлари фестивали бошланди. У Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда «Ўзбеккино» томонидан уюштирилган.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Озарбайжонда АҚШ давлат котибининг ўринбосари Д. Коллинз бошчилигидаги расмий ҳукумат делегацияси Президент Ҳайдар Алиев билан Каспий денгизи мақоми юзасидан фикр айирбошладилар.

● Белоруссияда ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги мухолифатчилик авжига чиқмоқда. Президент Александр Лукашенко Марказий сайлов комиссиясининг раиси Виктор Гончар 24 ноябрга белгиланган референдум натижаларини қонуний деб тан олмаслиги тўғрисида баёнот берганидан сўнг уни лавозимидан бўшатди.

● Россия Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Борис Березовский амалий ташриф билан Қозоғистон ва Грузияда бўлиб президентлар Нурсултон Назарбоев ва Эдуард Шеварднадзе билан музокаралар ўтказди.

### ХОРИЖДА

● Буюк Британиянинг якшанба кунлари 1,5 миллион нусхада чоп этиладиган «Обсервер» («Кузатувчи») газетаси сўнгги сонида Ўзбекистонга бағишланган махсус 16 саҳифали рангли илова чоп этди.

● Ҳиндистон ҳукумати Деҳлидаги Индира Ганди номли халқаро аэропортда рўй берган сўнгги вақтдаги энг машъум авиация ҳалокати сабабларини аниқлаш учун махсус комиссия ташкил этди. Бу ерда Саудия Арабистонига қарашли «Боинг-747» ҳамда Қозоғистоннинг «ИЛ-76» самолётлари тўқнашиб кетди. Уларда бўлган 349 кишидан ҳозиргача 275 кишининг жасади топилган.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Руанда билан Зоирдаги қабилалараро қонли тўқнашувларга барҳам бериш мақсадида бу ерга 20 минг ҳарбийдан иборат тинчликни сақлаш кучларини жўнатишга тайёргарлик кўрмоқда.

● Италиянинг собиқ Бош вазири Б. Кракси коррупцияда айбдор деб ҳисобланиб, беш ярим йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

● Стратегик тадқиқотлар халқаро институти маълумотларига кўра жаҳонда 1995 йилда харид қилинган 30 миллиард долларлик қурол-яроғнинг 12,8 миллиард долларлиги Яқин Шарқ мамлакатлари улушига тўғри келган. Биргина Саудия Арабистони 8,1 миллиард долларлик қурол-яроғ харид қилган.

● Перунинг жанубий қисмида рўй берган зилзила оқибатида 15 киши ҳалок бўлганлиги, 700 киши жароҳат олганлиги маълум қилинди.

● Машҳур Гиннеснинг рекордлар китоби 1954 йилдан буён 32 тилда 262 марта чоп этилиб, унинг умумий тиражи 100 миллион нусхадан ортган.

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иккинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркаси ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. 13 ноябрь куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида ушбу ярмаркага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни ташкилий қўмита раиси, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов олиб борди.

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси Анвар Йўлдошев ярмаркани ўтказишга кўрилаётган тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахборот берди. Ҳозирнинг ўзида пойтахтдаги юздан кўпроқ корхона ярмаркада иштирок этиш истагини билдирганлиги таъкидлаб ўтилди. У декабрь ойининг иккинчи ярмида иш бошлайди. Ярмарка ўтказиладиган жой аниқланди, бошқа ташкилий масалалар ҳам ҳал этилмоқда.

Мажлисда иккинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасини муваффақиятли ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

## ТОШКЕНТ — БИШКЕК: АНЪАНАВИЙ ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бишкек шаҳри мэри Борис Силаев бошчилигидаги Қирғизистон пойтахти расмий делегациясини қабул қилди.***

Ушбу ташрифдан Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасида барча соҳалардаги анъанавий яхши қўшничилик, дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш мақсади кўзда тутилган эди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида минтақалараро муносабатларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек хусусий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб, мулкчиликнинг турли шаклларига тааллуқли корхоналар ўртасида бевосита алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Расмий делегация ташрифи давомида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Бишкек шаҳри мэрияси ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

Бишкек шаҳри корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари Тошкент шаҳри корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашдилар. Бу дўстона учрашувларда Ўзбекистон томонидан Тошкент асбобсозлик, 2-агрегат таъмирлаш заводлари, «Қизил тонг», «Юлдуз» тикувчилик, «Ўзбекистон» чарм, «Шифобахш булоқ» ҳиссадорлик жамиятлари, «Ўртоқ» қандолат фабрикаси, Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси иштирок этди.

Учрашувлар давомида ҳамкорлик юзасидан аниқ аҳдлашувларга эришилди. Жумладан, Тошкент асбобсозлик заводи билан Бишкек шаҳридаги «Пармалар заводи» ҳиссадорлик жамияти ўртасида металл қирқувчи асбоблар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича «Импекс-асбоб» қўшма корхонасини ташкил этишга келишиб олинди. «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси билан «Қирғизистон камволь-совут комбинати» ҳиссадорлик жамияти пальто тикиш учун газмол етказиб беришга келишиб олдилар. «Ўртоқ» қандолат фабрикаси билан «Бишкек шаҳри қандолат комбинати» ҳиссадорлик жамияти ўртасида Қирғизистондан глюкоза келтириш юзасидан бир битимга келинди.

Бишкек шаҳри расмий делегацияси вакилларининг уч кунлик ташрифи давомида улар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, шу жумладан янги қурилишлар билан танишдилар.

Меҳмонлар Темурийлар тарихи давлат музейини зиёрат қилдилар, беш юлдузли «Интерконтиненталь» меҳмонхонасини кўздан кечирдилар, республика Биржа маркази ва Ўзбекистон пойтахтининг бозорларида бўлдилар.

*Обуна — 97*

## АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

**Ҳозир газета ва журналларга 1997 йилга обуна қизиган палла. Ҳар ким ўзи севган, қизиққан нашрларига ёзилмоқда. Газета-журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш масъулияти эса «Тошкент почтаси» ишлаб чиқариш корхонасининг хизматчилари зиммасидаги вазифадир. Бизнинг «Тошкент почтаси» ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи Собир Ҳотамов билан мулоқотимиз ҳам ана шу масала — ҳамшаҳарларимизга матбуот нашрларини етказиб беришнинг аҳволи, уларга обуна ишларида яратилган қулайликлар хусусида бўлди.**

— Бу йил обуна мавсумига тайёргарлик, обуначиларнинг газеталарни ҳеч қандай камчиликларсиз ва ўз вақтида олишлари масаласи одатдагидек диққат-эътиборимиздаги энг муҳим масалалардан бири бўлди. Алоқа бўлимларимизда обуна учун барча зарур нарсалар — каталоглар, обуна варақачалари тахт қилиб қўйилди. Обуначилар хоҳишига қараб уларни 1 ойми, уч ойми, хоҳлаган муддатига, истаган нашрларига ёзяпмиз. Шаҳардаги барча алоқа бўлимлари шанба кунлари ҳам ишлайди. А. Тўқай кўчасидаги Марказий почта идораси эса шанба, якшанба кунлари ҳам соат 20 га қадар очиқ. Мабодо, алоқа бўлимлари ёки обуна қабул қилиш пунктларида ҳар хил баҳоналар рўкач қилиниб, обуначиларнинг ишлари битмаса улар 33-42-02, 33-43-67, 33-73-56 телефонларига қўнғироқ қилишлари мумкин.

Маълумки, 1993-94 йилларда ҳар хил сабабларга кўра обуна нуқталарига газета-журналларни элтиб беришда камчиликлар бўлди. Зеро, газета бир кун кечиктириб етказилса ҳам у ўз долзарблигини йўқотиши мумкин. Бундан ташқари, илгари газеталар алоқа бўлимларида посилка, хатлар билан бирга сақланар, бу эса газеталарнинг йўқолишига, унга нисбатан жавобгарликнинг соқит бўлишига олиб келарди. Газеталарни алоқа бўлимларига етказишда эса почта кузатувчилари, ҳайдовчилар тахламлар ичидан газеталарни олиб қолиши ҳоллари ҳам учраб турарди.

Ҳозир бундай муаммоларга бутунлай барҳам берилди. 1995 йилдан бошлаб, мана иккинчи мавсумдирки «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган газеталарни алоқа бўлимларига ўтказиш ишлари сараловчиларга топширилди. Газеталар посилка, хатлардан ажратилди. Энди ҳар бир сараловчи саралаш ишлари учун жавобгарликни ўз бўйнига олади. Илгари газеталар концерндан олингач, шаҳардаги 140 та алоқа бўлимига юбориш учун улар қўлда ҳужжатлаштириларди. Ҳозир газеталар электрон ҳисоблаш машиналарида ҳисобланиб, юкномалар олиндан тайёрлаб қўйилади. Сараловчининг вазифаси эса барча нашрларни қопга жойлаб, муҳрлаб алоқа бўлимларига жўнатишдан иборат бўляпти. Бу демак, барча газеталар обуначилар қўлига ўз вақтида, йўқолмасдан етиб боради.

Ҳозир шаҳарда 700 дан ортиқ хат ташувчи ҳар куни газеталарни эгасига етказиб беради. Эндиликда газета алоқа бўлимига етиб борган бўлсаю у хат ташувчининг айби билан обуначи қўлига тегмаса, ушбу зарар ундириб олиняпти. Бунда ўз ишига совуққонлик билан қараган хат ташувчини мукофот пулидан маҳрум қилишдан ташқари, ҳатто меҳнат қонунида кўзда тутилганидек ойлик маошидан 20 фоиз чегирган вақтларимиз ҳам бўлди. Буларнинг бари, албатта, обуначиларга кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш, унинг бенуқсон бўлишига қаратилган тадбирлардир.

Ҳозир «Тошкент почтаси» ишлаб чиқариш корхонаси тизимида жами 1750 га яқин киши ишлайди. Мавжуд қийинчиликларга қарамай, имкон топиб, уларнинг барчасини республикада чиқадиган истаган нашрларидан бирига бир йилга бепул обуна қилиб беряпмиз. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, ишчи-ходимларимизнинг камида ўттиз фоизи ҳар доимгидек бу гал ҳам «Оқшом» газеталарига обуна бўлишяпти.

**— Собир Ҳотамович, маълумки, кейинги вақтларда газета ва журналлар обуна нархи қимматлашиб боряпти. Мавжуд аҳволни енгиллаштириш учун қандайдир чоралар кўряпсизларми?**

— Фикрингиз тўғри. Бозор иқтисодиёти шароитларида газета-журналларни чоп этиш бирмунча қимматга тушяпти. Шуни ҳисобга олиб вақти бор одамларни алоқа бўлимларидаги шахсий абонент қутиларига газеталар учун обуна бўлишга даъват қиламан. Бундай усул орқали нашрлар 30-40 фоизга арзонга тушяпти. Ҳозир шахсий қутилар янгиланиб, кўпларига қулфлар ўрнатиляпти. Бундан ташқари вақтли матбуот нашрлари таннархини камайтиришнинг турли хил усулларини излаяпмиз. Жумладан, ҳозир газета ва журналларни алоқа бўлимларига етказиш учун 13 та ёлланма юк машинасидан фойдаланяпмиз. Албатта, бу қимматга тушиб обуна нархига ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. 1997 йилдан бошлаб корхонамиз ўз балансига «Дамас» машиналарини сотиб олиб, нашрларни етказишда ўз транспортимиздан фойдаланишни режалаштирганмиз.

Ҳозир шаҳримизда иқтисодий томондан барқарор жуда кўплаб хусусий фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар бор. Уларнинг раҳбари, касаба уюшма ташкилоти рағбатлантириш мақсадида ўз ишчи-хизматчиларини газета-журналларга обуна қилса мақсадга мувофиқ иш бўларди.

**— «Тошкент оқшоми» газетаси тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.**

— «Оқшом» газетасининг биринчи сони чиққан пайтдан бошлаб бирортасини ҳам қолдирмай ўқиб келаман. Обуначи, муштарий сифатида шуни айтишим мумкинки, тадбиркорлик, экология, одобнома, спорт соҳасидаги мақолалар долзарблиги, ўқимишлилиги билан кишини ўзига тортади. Ҳозирги кунда «Оқшом» газеталари обунаси ҳатто кўпгина реклама нашрларидан ҳам яхши кетяпти. Бу газетани халқ севиб ўқишидан далолатдир. Айниқса, ҳар кунги биринчи бетдаги «Бугунги кун нафаси» рукнини газетанинг энг катта ютуғи деб биламан. Кичкинагина материал орқали жуда катта маълумотлар — республикамиз, хориж, МДҲдаги воқеалар шарҳлаб берилади. АҚШдаги президентлик сайловлари дейсизми, Россия давлати раҳбарининг саломатлигими, хуллас «Вести»ни кўрмасак ҳам уни ўқиб жуда кўп янгиликлар, воқеа-ҳодисалардан баҳраманд бўлишимиз мумкин. Шу ўринда айрим таклифларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Шаҳар катта, муаммолари ҳам етарли. Коммунал хизматлар, шаҳар хўжалиги мавзуидаги камчиликлар ҳам кенгроқ ёритилса. Бозорларимизда пишиқчилик, бироқ тартиб кўнгилдагидай эмас. Кўп неъматлар мижозларга 2-3 та қўлдан ўтиб қиммат ҳолда етиб келмоқда. Шу мавзуни ҳам газета ўз назоратига олса, иқтисодий ислоҳотлар бўйича кўпроқ мақолалар бериб борилса, айни муддао бўларди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.*

## «КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ЭКОЛОГИЯ»

Табиатни муҳофаза қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланмоқда. Атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш борасида кўплаб тадбирлар ўтказилаётгани ҳам фикримизнинг далилидир. Шу йил октябрь ойи давомида халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Келажагимиз ва экология» мавзусида боғча болалари ва мактаб ўқувчиларининг кўрик- танловини ўтказди.

Яқинда «Камолот» ёшлар жамғармаси катта залида ушбу кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Байрамона ўтган бу кўрик сўнгида ҳар бир тумандардан ғолиб жамоалар иштирок этдилар. Улар ўз масканларида экологик таълим-тарбиянинг бугунги кўринишини ифодаловчи турли альбомлар, ясама кўргазмалар, жонли бурчак, мактаб атрофи ободончилиги ҳақида ҳикоя қилувчи буюмлардан иборат турли буюмлар кўргазмаси ташкил этишди.

У ерда она табиатнинг бугунги аҳволи, қизил китобга кираётган турли ўсимликлар, ҳайвонот олами, табиатга инсоннинг таъсири ва бизнинг бугунги вазифаларимиз тўғрисида батафсил маълумотлар акс эттирилди. Шаҳримиз миқёсида ўтказилган бу тадбирда 2000 дан ортиқ ёш экологлар фаол иштирок этган бўлиб, якуний театрлаштирилган саҳналарда коинот, она—табиат, қуёш, ер, сув, ҳаво, ўсимликлар ва турли жониворлар сиймосини жонлантирган болалар уларнинг тилидан инсонларга мурожаат қилдилар.

«Экосан» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари тасарруфида ўтказилган бу тадбир якунларига кўра шаҳримиздаги Сирғали тумани 305-эколицейи, Собир Раҳимов туманидаги 249, 191-мактаблар, 478-боғча, Яккасарой туманидаги 89, Шайхонтоҳур тумани 27-мактаблари тарғибот бригадалари ғолиб бўлдилар. Улар халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ва турли совғалар билан мукофотландилар.

Тошкентда ўтказилган бу тадбир бутун республика миқёсида ёйилишига умид билдирилди.

*Фазилат ШАВДАРОВА.*




Ўзбекистон ва жаҳон

Раж Мохан ГАНДИ:

## «ЮРТИНГИЗ АЗИМ ДАРЁГА ЎХШАЙДИ»

***Жаҳонда довруғ таратган алломалар, мутафаккирлар орасида ҳиндистонлик буюк зотлар ҳам талайгина. Айниқса, машҳур сиёсат арбоби, фикри теран даҳо Махатма Гандининг муборак номи иззат билан тилга олинади. Бу бежиз эмас албатта. «Мен уйда тўрт девор орасида ўтиришни, уйимнинг деразалари ёпиқ бўлишини истамайман. Мен жаҳондаги барча мамлакатларнинг эзгу маданиятлари уйимга нурдек оқиб киришини истайман. Лекин ҳеч қачон ўз маданиятимни унутиб, ўзга уйда қул каби яшашни ҳам хоҳламайман». Ушбу сўзлар бундан юз йиллар аввал айтилган бўлса ҳам ҳанузга қадар аҳамиятини йўқотмаган.***

***Тошкентга Махатма Гандининг набираси, унинг таълимотининг фаол издоши жаноб Раж Мохан Ганди ташриф буюрди. Шаҳримиздаги ҳинд маданияти марказида бўлиб ўтган учрашувда у ўзининг қалб сўзларини биз билан ўртоқлашди.***

— Инсон яралибдики, орадан бутун-бутун даврлар ўтса ҳам «ҳар томонлама тўкис ажойиб давлат»ни орзу қилиб келади. Сизнингча бугун ушбу тушунчанинг асосини нималар ташкил қилиши мумкин?

— Адолатли бўлиш ва зўравонлик қилмаслик. Аслида адолат нималигини тушунтириб беришнинг ўзи анча мушкул. Лекин шуни яхши билиш кераккки, ҳар бир инсон ўзига нисбатан адолат қандай қўлланилаётганини яхши билади, тушунади. Мен буни ўз Ватаним Ҳиндистон мисолида тушунтирсам дейман. Ҳиндистон — кўплаб диний, этник, табақаланган гуруҳлар яшайдиган улкан мамлакатдир. Ушбу гуруҳлардан биронтасини ҳукумат афзал кўрди дейлик. Унда нима бўлади? Ота-онаси ажрашиб кетган, ё отаси, ё онаси билан қолган болани кўз олдингизга келтиринг. Бола бундай шароитда нима қилади? Ким билан яшаса ўшанга муҳаббат қўяди. Шунинг учун барча билан ҳамфикр бўлолмаслик мумкин, лекин барчанинг фикрини беистисно эшитиш муҳимдир. Менимча бировни баланд, бировни паст кўрмасдан барчани баробар кўриш — адолатдан бўлса керак.

**— Сизнингча ҳозирги даврдаги давлатлардан қайси бири «ажойиб» деган сўзни тўла-тўкис оқлайдиган мамлакат саналади.**

— Бу ҳақда сизга аниқ бир нарса дея олмайман. Барчамиз орзу қиладиган жаннатнинг эшигига олиб борадиган минглаб йўллар бор. Улардан бири қисқа, бири узун, бири текис, бири чағир. Албатта ҳамманинг ўз йўли бор. Лекин ким биринчи келади? Каттакон калава ипга қараб туриб уларнинг қайси бири узун ё қисқа эканлигини айта оласиз. Менинг мамлакатим буюк Гандининг йўлидан бормоқда. У ҳали ҳам мақсад сари йўлда.

**— Буюк бобонгизнинг ғояларини, ишини давом эттиришингиз оилавий анъанами?**

— Махатма Ганди ҳинд халқининг фарзанди. Лекин уни ер юзининг ҳамма бурчагида яхши билишади. Асримизнинг бошидаёқ буюк француз адиби Ромен Роллан ёзган сўзларини эслайлик: «Ганди Ҳиндистон пайғамбари, айни пайтда бутун дунё пайғамбари. У бизга ўхшаган инсонларнинг бири. Яна ҳам аниқроқ айтсак Махатма Ганди олиб бораётган кураш бу бизнинг курашимиздир». Гандининг набираси бўлганим менинг тақдиримни асло-асло белгиламаган. Мабодо тамомила бошқа оилада дунёга келган бўлганимда ҳам унинг ишини давом эттирган бўлардим. Мен ҳам ўз халқимнинг фарзандиман. Бу эса энг муҳимидир.

**— Ўзбекистонга келишдан кўзда тутган мақсадингизни бизга ҳам баён этсангиз...**

— Мамлакатингиз Ўзбекистон — азим дарёга ўхшайди. Бу азим дарёга кўплаб маданиятлар — ирмоқлар келиб қўшилади. Дарё эса уларни ўз бағрига олади. Уларга кўтаринкилик, жўшқинлик бахш этади. Айни пайтда уларни ўз суви билан тўлдиради ҳам. Ушбу азим дарё шунчалар кучли ва лиммолим оби ҳаётга тўлаки, биронта ирмоқ уни ўзга ўзанга солиб юборолмайди.

Бизнинг юртларимизнинг ўтмишлари турлича кечган, ҳозирги кунимиз ҳам бир-биридан фарқланади. Келажагимиз ҳам бошқа-бошқа. Лекин бир нарса бор: мамлакатларимизнинг ўзаро дўстона алоқалари бизга ҳам, сизга ҳам кони фойда.

Тарихлардан маълум: ўз уйингни, ўз маданиятингни сақлашинг шарт. Қайси халқнинг фарзанди эканлигингни ҳар лаҳза эсламоғинг керак. Лекин ўз қобиғига батамом ўралиб қолиш ҳам мутлақо ярамайди.

Одамзод ўз тирикчилиги даврида турли-туман ширин-шакар ноз-неъматлардан тановул қилади. Маданият борасида эса менинг фикрим қатъий: дўстлик боғи энг ширин меваларни беради...

***Чини билан дўстлик иплари қанчалик мустаҳкам экан, келажагимиз шунчалик нурафшон бўлади.***

*Тоҳир ЙЎЛЧИЕВ суҳбатлашди.*

1996 йил — Амир Темур йили

## АРАБ ОЛИМИ ТАДҚИҚОТИ

***Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланиб бутун дунё олимлари томонидан кўплаб илмий ва бадиий асарлар, рисола ва мақолалар яратилган. Улар замондош муаллифлар томонидан яратилган кўплаб асарларга таяниб ёзилгани боис ҳам ўша даврни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Араб олими Мазҳар Шиҳобнинг «Темур» номли йирик асари мана шундай фундаментал тадқиқотлардан бири десак ҳеч бир муболаға бўлмайди. 1981 йилда Байрут (Ливан)даги ал-Қуддийс Юсуф университети томонидан ўқув қўлланмаси мақсадида нашр этилган бу йирик тадқиқотни муаллиф халқаро фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим қилган. Ҳозирча оммавий нусхада чоп этилмаган бу муҳим тадқиқот ҳақида гарчанд бизга аввалдан маълум бўлса-да, лекин яқинда мазкур асарнинг фотонусхасини олишга муяссар бўлдик ва «Оқшом» муштарийларини Амир Темур бобомиз ҳақидаги ушбу муҳим тадқиқотнинг қисқача мазмун-мундарижаси билан таништиришни лозим топдик.***

Асар билан дастлабки танишиш Мазҳар Шиҳоб мазкур тадқиқотни яратишда кенг кўламда жуда катта ишни амалга оширганини кўрсатади. Чунончи, беш юз саҳифадан иборат мазкур асар том маънода фундаментал тадқиқотлардан биридир. Бу фикримизга далил сифатида, бир томондан тадқиқот ўзида мужассам қилган фактик маълумотларнинг ғоятда бойлиги ва ранг-баранглиги бўлса, иккинчи томондан муаллиф Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир деярли барча масалалар бўйича ўша давр тараққийнависларининг ёзганларига асосланиб фикр юритганини кўрсатиш мумкин.

Айни вақтда шуни қайд қилиш керакки, Мазҳар Шиҳоб ўз тадқиқотида фойдаланган араб ва турк тилларидаги қатор тарихий асарлар биринчи маротаба илмий истеъмолга киритилганки, шубҳасиз, бу ҳол мазкур тадқиқот алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Таркибий жиҳатдан ушбу тадқиқот кириш қисм (муқаддима), Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ бўлган муҳим саналар ва воқеалар тартиби, шунингдек, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид жўғрофий хариталар ва хилма-хил суратлардан иборат.

Тадқиқотнинг асосий қисми етти бобдан ташкил топган бўлиб, ўз навбатида ушбу бобларнинг ҳар бири бир неча фасл (қисм)лардан иборатдир. Фойдаланилган кўплаб манбалар ва адабиётлар рўйхати асарнинг охирида келтирилган.

Биринчи боб Амир Темур салтанатидан олдинги Моварауннаҳрдаги тарихий ва жўғрофий вазият таҳлил қилиниб, Моварауннаҳр атамасининг номи, унинг тарихи, ўша пайтдаги чегаралари, унинг иқлими, сув иншоотлари, ўсимлик дунёси, Моварауннаҳрнинг қадим замонларда ва ўрта асрларда — араблар, форслар, турклар, мўғуллар ҳукмронлиги давридаги тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Амир Темур даврининг бошланиши» деб аталиб, унинг биринчи қисмида Амир Темур давридан олдин Европа, Ислом дунёси ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидаги сиёсий, дипломатик муносабатлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Иккинчи қисм Моварауннаҳрдаги ички сиёсий воқеаларни қамраб олган бўлса, учинчи қисмда Чиғатой турклари жамиятининг ташкил топишига бағишланган. Мазкур қисмда ўша даврда Моварауннаҳрда яшаган аҳолининг урфодатлари, уларнинг табиий хислатлари ва фазилатлари ҳақида муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Амир Темур ҳокимиятга келишдан олдин» деб аталиб, унда соҳибқирон даврига оид кўпдан-кўп ёзма манбаларга асосланиб, Амир Темурнинг болалик ва ёшлик йиллари, унинг билим олиши, оилавий аҳволи, дин аҳлларига муносабати, мўғуллар билан муносабатлари, амир Ҳусайн билан бўлиб ўтган курашлари, шунингдек, Моварауннаҳрни мўғул мустамлакачиларидан озод қилиш йўлида узоқ муддат давомида олиб борган кураши жараёнидаги бошидан кечирган кўплаб қийинчиликлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Амир Темур 1370 йилда ҳокимият тепасига келгандан кейин ўн йил (1370-1380 йиллар) давомида юз берган воқеалар, шунингдек, ўз мамлакатининг Шимолий ва ғарбий ҳудудлари ҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан Амир



Темур томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар тадқиқотнинг тўртинчи бобида ҳикоя қилинади.

Доктор Мазҳар Шиҳоб тадқиқотининг катта қисмларидан бири бешинчи боб — Амир Темурнинг Туркистон, Дашти Қипчоққа юриши, Амир Темур ва Тўхтамиш муносабатлари ҳамда Соҳибқироннинг Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Озарбайжон, Сурия ва Туркия юришларига бағишланган. Муаллиф ёзма манбалардаги маълумотларга таяниб бу юришларнинг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилган. Айни шу қисмда муаллиф XV асрда яшаб ижод қилган кўплаб араб муаррихларининг ёзганлари асосида Амир Темурнинг Миср султонлари Наз-Зоҳир Варқуқ, унинг ўғли Носир Фарак, шунингдек, уларнинг Шомдаги ноиблари ўртасидаги муносабатлар ҳақида қимматли мулоҳазалар юритади. Ушбу бобнинг бир қисми (фасли) Соҳибқироннинг Европа давлатлари билан муносабатларига, яна бир фасл эса Амир Темур ҳазратларининг вафотига, шундан кейин содир бўлган воқеаларга бағишланган.

Тадқиқотнинг олтинчи боби Амир Темурнинг маданият соҳасидаги фаолиятига бағишланади. Уч қисмдан иборат ушбу бобда Соҳибқирон ҳазратларининг бунёдкорлик борасидаги кенг кўламли ишлари; унинг илм-фаннинг равнақи йўлидаги самарали фаолияти; шу даврда бунёд этилган ҳар хил қурилиш иншоотлари; давлатни идора қилишдаги ўзига хос хусусиятлари; барпо ва усуллари; унинг ҳарбий соҳадаги маҳорати ва даҳоси; кучли иқтисодиёт барпо этиш йўлида Амир Темур томонидан амалга оширилган хилма-хил ва улкан ислоҳотлар; тижорат ва ҳунармандчиликни ривожлантириш хусусида Соҳибқироннинг жўшқин фаолияти; Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан Амир Темур давлати ўртасида мавжуд бўлган савдо-сотиқ ва дипломатик муносабатлар хусусида; унинг қўшини ва ҳарбий бошлиқларидаги маънавий ва жанговар руҳнинг баланд, кучли бўлганлиги, олиму уламоларга; санъат ва маданият асосларига; турли-туман ҳунарларнинг ҳақиқий, етук усталарига нисбатан Амир Темурнинг камоли эҳтироми ҳақида муфассал ва аниқ маълумотлар келтирилади.

Тадқиқотнинг охирги, еттинчи боби «Амир Темур шахсиятининг таҳлили» деб аталади. Мазкур бобда Амир Темур ҳазратларининг шахси; унинг ташқи қиёфаси ўша даврда яшаган қатор тарихчиларнинг ёзганларига таяниб соҳибқирон сиймосини ёзма (китобий) тавсифи келтириладики, бу маълумотлар ғоятда катта аҳамиятга эгадир. Амир Темурнинг юксак инсоний фазилатлари, унинг одатлари ва ўзига хос сифатлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Ушбу бобнинг бир фаслида Амир Темурнинг саводхонлиги (маълумоти) ва диний эътиқоди, қарашлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Айни шу бобда келтирган фактик маълумотларга асосланган ҳолда тадқиқотчи Амир Темурнинг бошқа ҳукмдорлардан устунлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Ушбу тадқиқот билан танишишдан бир аниқ хулоса кўзга ташланадики, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ёритишда Мазҳар Шиҳоб илмий йўл тутиб, ёзма манбалардаги аниқ маълумотларга таянган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини холисона ва самимий ифода қилган.

Ушбу тадқиқотнинг мундарижасидан ҳам маълум бўлаётирки, араб олимининг Амир Темур ҳазратлари ҳақидаги бу йирик ва жиддий тадқиқоти Соҳибқироннинг ёрқин ҳаёти кенг қамровли ва жўшқин фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

*Убайдулла УВАТОВ,*
*Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.*

***Солиқлар давлат хазинасининг асосий таянчларидан ҳисобланади. Хазина қанчалик бой бўлса халқ ҳаёти шунга яраша бўлади. Фуқароларнинг ижтимоий таъминоти, ободончилик ишларига сарфланадиган харажатлар ана шу турли тўловлар, солиқлар ҳисобига амалга оширилади. Кейинги пайтларда иқтисодий қонунларни тушуниш ёки тушунмаслик орқасиданми уларни четлаб ўтиш, уларга амал қилмаслик ҳоллари учрамоқда. Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳусниддин Зуҳурович Ҳошимов билан суҳбатида маҳаллий солиқлар ва уларни тўлаш борасида фуқаролар бурчи ҳақида сўз боради.***

Бизнинг ҳуқуқ ва вазифаларимиз

## СОЛИҚ ТЎЛАШГА БУРЧЛИМИЗ

— Иқтисодий қонунлар деганда солиқлар тўғрисидаги қонунлар ҳам тушунилади, — деб таъкидлади Ҳусниддин Ҳошимов. — Солиқларни ўз вақтида тўламаслик ҳам жиноятнинг бир тури ҳисобланади. Жиноятчига жиноий жазо қўллаш осон. Лекин жиноятларнинг олдини олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Даромадларни яшириб, солиқларни ўз вақтида тўламасдан келаётган корхона раҳбарлари, тадбиркор ва фуқароларга солиқлар тўғрисидаги қонунларни, солиқ тўловчиларга солиқларни тўлиқ ва муддатида тўлашни тушунтириш борасида шаҳар солиқ идоралари томонидан мақсадли ишлар олиб бориляпти. Тошкент шаҳар минтақавий ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш сервис марказининг ташкил этилиши ҳам ана шулар жумласидандир.

Марказ 1996 йилда давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ва шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган иш режалари бўйича фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда солиқ қонунчилигига оид барча меъёрий ҳужжатлар нусха кўчириш мосламаси орқали кўпайтирилиб, солиқ тўловчилар ва қуйи солиқ идораларига етказиб турилмоқда. Сервис марказига мурожаат қилувчи солиқ тўловчиларга амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг муаммоли саволларига тўғри жавоб бериш ва марказ иш фаолияти самарадорлигини ошириш борасида давлат солиқ бошқармаси бўлимларининг малакали мутахассисларидан қатъий жадвал асосида кундалик навбатчилик ташкил этилган.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг бир гуруҳ малакали мутахассислари билан биргаликда «1995 — 1996 йиллар учун солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича маълумотнома» қўлланмасининг иккинчи нашри тайёрланди ва беш минг нусхада нашр этилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг молиявий фаолиятини текшириш тартиби бўйича методик қўлланмалар тайёрланди.

Солиқлар тўғрисида ҳар бир қонун қабул қилинганда семинар-кенгашлар ўтказилмоқда, радио, телевидение, оммавий ахборот воситаларида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Марказда солиқ тўловчиларга аниқ ва тўғри жавоб берилмоқда.

**— Энди маҳаллий солиқларни тўлаш муддатларига тўхталиб ўтсангиз.**

— Албатта, ҳар бир маҳаллий солиқ турининг ўз тўлов муддатлари бор. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига биноан, яъни ерга эгалик қилувчи ёки ундан фойдаланувчи фуқаролар солиқ идоралари томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб рўйхатга олинадилар. Солиқни ҳисоблаш ва тўлашга хабарномалар топшириш 1 апрелгача тугалланади. Фуқаролар йилига бир марта 1 ноябргача ер солиғини тўлашлари шарт. Мол-мулк солиғи учун бир йилда икки марта — 15 июнь ва 15 декабрь тўлов муддати қилиб белгиланган. Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгаларидан транспорт солиғини ундириш муддати 1 июль қилиб белгиланган.

**— Бордию солиқ тўловчилар бу муддатларга амал қилмасалар, ундай ҳолларда қандай чораларни қўллаш кўзда тутилган?**

— Тўғри, юқорида белгиланган солиқ тўлаш муддатларига барча амал қиляпти, деб бўлмайди. Масалан, ер солиғини тўлаш муддати юқорида айтилганидек 1 ноябргача қилиб белгиланган. Ҳар бир тўланмаган кун учун солиқ тўловчи чиқарилган солиқ миқдоридан 0,2 фоизи миқдорида устама тўлов (пеня) тўлашга мажбур.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунини бузганлик учун корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек, фуқаролар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

**— Солиқ тўлашда қайси тоифадаги фуқароларга имтиёзлар берилган?**

— Уруш қаҳрамонлари, уччала даражадаги «Шуҳрат» ордени эгалари, меҳнат қаҳрамонлари, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, Афғон уруши қатнашчилари, I ва II гуруҳ меҳнат ногиронлари, I ва II гуруҳ кўзи ожиз ишловчи ва ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган ногиронлар, боқувчисидан ажраганлар, кўп болали оилалар (16 ёшгача бўлган 5 ва ундан ортиқ болали оилалар), концентрацион лагерларнинг тутқуни бўлган фуқаролар, Чернобиль атом электр станциясидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар ер солиғидан озод этиладилар. Шунингдек, ёлғиз пенсионерларга якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонунларда назарда тутилган меъёрлар доирасида берилган ер участкалари учун солиқ олинмайди.

Фуқаролар якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонунда белгиланган меъёрлар доирасида берилган ер участкаларига майдонлар ажратилган вақтдан бошлаб уч йил давомида ер солиғи тўлашдан озод этиладилар.

Автомобиль ва мотокажаваларни қўлда бошқарувчи ногиронлар, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, Афғон уруши иштирокчилари транспорт солиғини тўлашмайди.

Уруш қаҳрамонлари, уччала даражадаги «Шуҳрат» ордени нишондорлари, урушда қатнашган ва партизанлик қилганлар, Ленинград қамалида бўлган, болалигида концентрацион лагерларнинг тутқуни бўлган фуқаролар, байналмилал жангчилар, қаҳрамон оналар ҳамда 10 дан ортиқ фарзанд туғиб ва асраб вояга етказган оналар, Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган фуқаролар, нафақахўрлар, армия сафида хизмат қилаётган аскар, старшина, прапоршчик ва сержант ҳамда муқобил хизматни ўтовчилар ва уларнинг оила аъзоларига мол-мулк солиғини тўлашда имтиёзлар берилган. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги ходимлари, хизмат вақтида контузия, ярадор бўлиш натижасида ногирон бўлган хизматчи ва уларнинг оила аъзоларига ҳам бу соҳада имтиёзлар берилади.

Ер солиғи бўйича шаҳар ҳудуди 14 ҳудудга бўлинган бўлиб, асосий солиқ 2—6 ҳудуддаги маҳаллаларда ҳисобланади. Ер солиғи ставкаси биринчи ҳудуд учун 1 сўм 02 тийин ҳисобланса, 14-ҳудуд учун 1 сўм 40 тийин қилиб ҳисобланган.

**— Солиқларни ундиришда қандай муаммолар мавжуд?**

— Албатта, ўз фуқаролик бурчини тўғри тушуниб, уни ўз вақтида ҳамма бир хил бажаряпти, деб бўлмайди. Айрим солиқ тўловчиларимизнинг масъулиятсизлиги солиқларнинг ўз вақтида бюджетга ундириб олинишига тўсқинлик қилмоқда. Шу туфайли солиқ идоралари маҳалла оқсоқолларининг, фаолларининг ёрдамига зарурият сезмоқдалар. Чунки улар маҳалладаги ҳар бир фуқарони яхши биладилар ва маҳалла аҳли ўртасида катта обрў-эътиборга эгадирлар.

Айрим фуқароларнинг ер участкаларига ҳамда кўп қаватли уйларда хонадонларга эгалиги ва уларни мазкур жойларда муқим яшамасликлари сабабли солиқларни ўз вақтида ундирилмаслик ҳоллари учрамоқда.

Шунинг учун ҳамюртларимизга мурожаат қилиб: «Солиқлар давлат учун хизмат қилмайди, балки ҳар бир фуқаро учун хизмат қилади, яъни солиқлар ишлаб чиқаришга жалб қилинган ҳолда яна уларга иш ҳақи, маош сифатида қайтиб келади» деб таъкидлашни истардим.

Олдимизда фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар мазмунини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, солиқ тўловчиларга уларнинг бурчини эслатиш вазифаси турибди. Шундагина биз давлат хазинасига келиб тушадиган тушумлар салмоғининг ошишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

*Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА ёзиб олди.*




*Чилонзор туманида катта ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган 37-таълим маркази очилди. Бу ерда ҳисобчи-иқтисодчи, тикувчилик, тарбиячилик соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланади.*

*СУРАТДА: тажрибали муаллим Санобар Аҳмедова бўлажак тарбиячилар гуруҳида машғулот ўтказмоқда.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

Қадриятларимиз

## ҚАЙГА БОРМАЙ БОШДА ДЎППИМ...



Раҳматли отам бир воқеани кўп эслатгувчи, айтгувчи эдилар. Қайсидир бир уруғимиз ҳаж сафарига борган экан. У пайтлар қанчалар машаққат билан ул табаррук жойларга етиб бориш кераклигини айтмасак ҳам барча тасаввур қилади. Ҳаж арконларини адо этиш давомида бошидаги дўпписи, чопонини кўриб, кўплаб кишилар (албатта, ўша ерлик ўзбеклар) уни зиёрат қилишибди. «Босган изларингиз кўзимизга тўтиё», дейишибди. Чопонининг барини ўпишиб, йиғлашибди. Битта дадилроғи қўлини кўксига қўйиб сўрабди: «Эй, менинг юртимдан келган бахтли инсон, рухсат беринг, бошингиздаги дўппингизнинг гулидан битта ўпай, зора Марғилонимнинг ҳидлари келиб, девона кўнглим андаккина ором топса». Унинг кўзларида ғилтиллаб турган ёшни кўриб, бояги уруғимиз дўппини бошидан олиб, қўлига берибди. У киши аввал дўппини кўзига суриб, гулларидан ўпибди. «Оҳ, — дебди у, — бир соғинчим минг бўлди. Менинг ҳам дўппи кийиб, юртим бағрида юрадиган кунлар келармикан?»

Биров унинг дўппи кийишига қаршими деб ўйларсиз. Йўқ, қарши эмас. Ҳамманинг таъби ўзида. Лекин Ватанида Марғилон, Чуст, Андижон, Тошкент дўппиларини яшнатиб кийиб юришга не етсин!

Ўзбек деганда дастлаб барчамизнинг кўз олдимизга дўппи келади. Узоқроқ ерга борадиган бўлсак дўппи кийган кишини кўриб юрагимиз ҳаприқиб кетади: ўзбекистонлик экан! Дарҳол унинг ёнига ошиқамиз. Қуёшга қарагандек, дўппига меҳр билан тикиламиз.

Дўппи айтмасак ҳам бизнинг кимлигимизни кўрсатиб туради. У шундай азиз ва мукаррамки шу сабаб бошда кўтариб улуғлаймиз. Қизлар севганларига «чимилдиқда кийгизаман» деб ният қилиб дўппи тикишади. Шунинг учун ҳам азиз бўлсин деб, дастлаб куёвга дўппи оламиз. Ёшига етган кичкинтойга дўппи кийгазиб, бошинг омон бўлсин деймиз. Энг яхши кўрган кишимизнинг тўй-ҳашамида тахи бузилмаган дўппи билан оҳорли тўн кийгизамиз. Нега дўппи бунчалар улуғ? Дўппи тикадиган аёлларнинг ҳар қатим ипга меҳрини қўшиб тортгани учунми? Ёки гулларига бирон сеҳр яширинми?

Йиллар ўтгани сари даврлар, замонлар ўзгарар экан. Яқин-яқинда дўппи кийиб кўчага чиққанимиз учун онгимиз қолоқликда айбландик. Буни қарангки, миллий қадриятларимиз эскиликдан қолган деб баҳоланди. Нақшинигор дўппилар қозиқда докага ўралганча неча йиллар қолиб кетди. Мустақиллик шабадаси эсдию ўз қанотида миллий қадриятларимизни ҳам эркалаб олиб келди. Бугун дўппилар бошларимизда яна кулиб турибди.

— Қиз болалигимда ойимлардан беркитиб дўппи тикканман, — деб эслайди Башорат ая, — вақти келиб шу касб билан рўзғор тебратаман деб ўйлармидим. Онам раҳматли: «Касбингга асло хиёнат қилма, ношукурлик қилиб қимматга сотма. Олган одам уни гулдек қилиб кийиб юрса — сенинг бахтинг» деб васият қилгандилар. Ҳозир, худога шукр, набирам шунақанги чевар бўлиб кетганки, тиккан дўппилари сайраб туради денг. Ҳа, айланайлар, дўппини кийиб дунёнинг қаерига борманг, «Ўзбегим, ассалому алайкум» дейишади.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов «Ўзбегим» қасидасида ёзади:

**Қайга бормай бошда дўппим,**
**Шухратим, қадрим буюк.**
**Олам узра донғи кетган,**
**Ўзбекистон, ўзбегим.**

Бир жойда, гурунгда улфатлардан бирининг оғзидан ёмонроқ гап чиқиб кетиб, ўтирганларнинг иззат-нафсига тегди.

— Бошингда дўппинг борми? — деди жўрабоши.

— Дўппининг нима алоқаси бор? — деди тўнғиллаб бояги йигит.

— Бошида дўпписи бор одам бунақа гап гапирмайди, — деди. Демак, дўппи ўзбек учун ор-номус белгиси ҳамдир...

Ҳа, азизлар, ипаклардан тикилган, миллийлигимизни намоён этиб турадиган дўппини эъзозлаб ҳамиша ғурур билан бошимизда тутайлик!

Толиб САЪДУЛЛО.

Маънавиятимиз сарчашмалари

# ИНСОН ДИЛИ — МИСОЛИ ЧАМАНЗОР

*Ўзбекистон Республикаси бастакорлар-композиторлар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Давлат мукофотининг соҳиби Рустам АБДУЛЛАЕВ билан суҳбат*

**— Рустам ака, ўзбек халқининг миллий-маърифий, маданий, маънавий мероси деганда кўз олдимизга илдизлари она ер бағрига сингиб кетган, боши эса кўк тоқига етгудек улкан чинор ёҳуд чеги-чегараси йўқ уммон келади. Чиндан ҳам аждодларимиз қолдирган мерос шунчалар улканки, уни бўйлаб ҳам, энлаб ҳам бўлмайди. Шу қутлуғ мерос аро мусиқанинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Зеро ҳеч бир маънавият мусиқасиз, қўшиқсиз тугал бўлмаган...**

— Жуда тўғри. Маънавиятимиз, маданиятимиз, маърифий даражамиз қанчалар баландлигини айтмай қўяқолай...

Гапни узоқдан бошласам, мусиқа инсон пайдо бўлган даврдан бошлаб унга ажралмас ҳамроҳ. Мусиқа сўздан ҳам аввал бунёд бўлган, инсониятга хизмат қилган. Бир қабила иккинчи қабилага биронта хабар етказиш учун садо берадиган асбобдан фойдаланган. Махсус оҳангларда шодликдан ёки ташвишдан хабар берган. Шу тариқа карнай, сурнай, ноғоралар кашф этилган. Бундан ташқари ибтидоий даврдаги жарчилар махсус товушлар ёрдамида «гаплашган»лар.

Буюк боболаримиз, ҳаттоки шоҳлар уч нарсани жуда яхши билишган: дунёвий илмлардан бохабар бўлишган, адабиётни жуда яхши билишган, бирор мусиқа созини чала олишган. Ал Хоразмий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг меросига бир назар ташлайлик. Уларнинг ҳар бирида мусиқа тўғрисида трактатлар бор. Ал Форобийнинг эса созлар ясагани, куйлар ижод этгани ҳақида ҳикоятлар мавжуд.

Хоразм шоҳи Муҳаммад Раҳимхон (адабий тахаллуси Феруз) ажойиб ғазаллар ёзган, ижод аҳлини ғоятда иззат қилган. Унинг машҳур ғазали билан айтиладиган қўшиқ «Феруз» деб аталади. Шу қўшиқнинг куйини ҳам Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи ёзган дейишади. Демак, мусиқани қадрлаш, уни севиб тинглаш бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.

**— Куни кеча 660 йиллигини бутун дунё зўр тантана қилган буюк Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам илм-фан, маданият жуда юксалганлигини бир эслайлик...**

— Ҳа, яшанг. Биргина мисол айтай: Соҳибқирон даврида машҳур Абдулқодир Маровий исмли хонанда, созанда, бастакор, мусиқашунос бўлган. У 1435 йилда қазо қилган. Узоқ яшагани сабаб Шоҳруҳ Мирзо, Халил Султон Мирзо саройида ҳам хизмат қилган. Ундан мерос бўлиб «Таснифи Хожа Абдул Қодир», «Тарона», «Бўстон» сингари мусиқага оид асарлар қолган.

Алишер Навоий ҳазратлари даврида Хожа Юсуф Бурҳон исмли созанда, хонанда, бастакор яшаган. Ул зот улуғ шоирнинг ғазалларига мусиқа боғлаб, ижро этишда моҳир бўлган эканлар. Ҳофиз Қозоқ, Абдулла Марворид сингари хонандалар ниҳоятда машҳур бўлишган. Айниқса Абдулла Марворид куйга солиб ижро этган Навоийнинг «Дин офати бир муғбачаи маҳлиқодир» деб бошланадиган мустаҳзодини эшитганлар, ҳатто, ёқаларини чок этишгача етиб борар эканлар. Абдулла Марворид ана шундай сеҳрли овоз соҳиби бўлган экан. Биз ана шундай улуғ халқнинг фарзандларимиз. Буни ҳар лаҳза ёдда тутишимиз, унутмаслигимиз керак.

**— Мусиқа ёки қўшиқ ижро этиладиган бўлса «Бу Хоразмча», «Бу Сурхонча», «Бу Бухорода машҳур» деймиз...**

— Тушундим, нима демоқчисиз... Ўзбекистон санъати улкан бир дарахт, сиз айтаётган услублар, йўллар унинг шохчалари десам тўғри бўлади. Шу шохчалардан биронтаси йўқ бўлса, шу дарахт тўкис бўлолмайди. Улар бир-бирини бойитади, санъатимизни янада юқори кўтаради.

Сирасини айтганда, мусиқа маданиятимизнинг турлари десакмикин — жуда ҳам кўп. Ўзингиз кўз олдингизга келтиринг: Шашмақом, Хоразм олти ярим мақоми, Булунғур достончилиги, Сурхон, Қашқа воҳаларининг бахшилари, айтишувлар, лапарлар, Наврўз, гул байрами, ҳосил байрами, Меҳржон байрамларида айтиладиган қўшиқлар... Улар ахир буюк бойлигимиз-ку! «Бойсун» дастаси ижро этадиган «Ким олади шугинания» қўшиғининг Туркияда ижро этилганига гувоҳ бўлганман. Ҳозир бўлган туркийзабон халқларнинг ҳаммаси қўшиққа қўшилиб кетишди... Шунинг учун ҳам ғурур билан жаҳон мусиқа хазинасига улкан ҳисса қўша олган халқмиз, десам асло лоф бўлмайди...

**— Ушбу меросни асраб-авайлаш ҳам керак-ку, Рустам ака... Назаримда фақатгина фахрланиш билан иш битмайдиган кўринади...**

— Жуда тўғри. Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарияти билан бўлган учрашувидаги нутқи. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори бу борада катта аҳамиятга эга.

Сир эмас, ҳозир санъатимизга турли-туман гуруҳлар, ижрочилар, мусиқалар, қўшиқлар кириб келмоқда. Уларни жуда кўпчилик ёшларимиз ёқтиришади. Лекин ижро этилаётган қўшиқлар бадиий талаб даражасидами? Улар миллий маданиятимизни бойитадими? Ҳамма гап мана шунда.

Дутор, танбур, рубоб тароналарини бир пайтлар одамлар сел бўлиб тинглашарди. Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев рубоб чертганида шинавандаларнинг 72 томири жимирлаб, туғёнга келарди. Муҳаммаджон ака, Ҳожихон Болтаев сингари санъаткорлар кўпчилик ҳаваскорларни ўз ортидан эргаштира оладиган профессионаллар, яъни ўз касбининг усталари эди.

Дуторнинг 32 мақоми бўлар эди. Ҳозир борми шулар? Ёшлар уларни ижро этадими? Танбур садоларини фақат Турғун Алиматов янгратадими? Бу каби саволлар кўп. Ҳозирги буюк санъаткорларимизга издошлар керак.

Маънавиятимиз сарчашмаларини асраб-авайлаш, уни янги-янги мўъжизалар билан бойитиш бизнинг бурчимиз. Республика бастакорлар-композиторлар уюшмаси айнан шу йўлда саъй-ҳаракат кўрсатади.

Менимча мақомлар театри ташкил этилса жуда ажойиб иш бўларди. Кейин ойнаи жаҳонимизда мумтоз куй ва қўшиқларимиз ҳар куни мунтазам бериб борилса қани эди!

Бадиий ҳаваскорларимизнинг гуркираб ўсиши нур устига нур. Улар орасидан ажойиб иқтидор соҳиблари етишиб чиқади, албатта. Лекин унутмаслигимиз керак: санъатни профессионаллар белгилайди. Янги Очилхон Отахоновлар, Фаттоҳхон Мамадалиев, Фаррух Зокировлар, Муяссар Раззоқовалар, Юлдуз Усмоноваларни камол топтиришимиз мана шунинг учун зарур.

**— Ўзбекистон бастакорлар-композиторлар уюшмасининг фаолияти ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз...**

— Уюшмамизнинг режалари жуда катта. Концерт залимиз таъмирдан чиқди. Бу ерда биз деярли ҳар куни концертлар ўтказамиз. Бастакорларимизнинг янги асарларини тинглаймиз, муҳокама қиламиз. Хорижлик сайёҳлар, талабалар шу ерда яшаётган турли соҳа одамларига талабларига биноан концертлар берамиз. Энг муҳими миллий мусиқамизни тарғиб қиламиз. Мумтоз куйлар, ўлмас қўшиқларимизнинг садоси уюшмамизнинг биносида ҳамиша жаранглаб туради. Болалар, ўсмирлар қўшиқларини янада юксалтириш борасида жонбозлик кўрсатаётган бастакорларга, шоирларга ҳар томонлама кўмак берамиз.

Осори-атиқалар дўкони ҳам очдик. Бу ерда миллий созларимиз, куй-қўшиқларимизнинг ноталари бор. Бу ҳам ўзига хос тарғибот ролини ўйнайди. Харидорлар аримаяпти дўкондан.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганига келгуси йил беш йил тўлади. Шу санага бағишлаб Мудофаа вазирлиги, бошқа тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда ҳарбий қўшиқлар танловини ўтказаяпмиз.

Одамзоднинг баркамол инсон бўлиши қийин кечади. Инсон қалби — мисоли чаманзор. Чаманзорни ҳам парваришлаб турсангиз анвойи гуллардан баҳраманд бўласиз. Бинобарин инсон дилининг парвариши мусиқа билан, дилбар сўз, шеърият билан эзгулик, яхшилик билан дир. Сўз ва соз ҳамкорлиги дилимизнинг энг ажойиб боғбонидир.

Темур УБАЙДУЛЛО суҳбатлашди.



*Бобоси билан сайр қилиш набираларнинг жон-дили. Чунки уларнинг хархашасини бобосидан ўзга қондиролмайди.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*




Янги телесериал

## «ЎРГИМЧАК ТЎРИ»

Жаҳон кино санъати билан ўзбек мухлисларини таништиришда телевидениенинг аҳамияти беқиёс. Авваллари биз фақат собиқ марказ томонидан юборилган бадиий ва телефильмларни кўра олардик. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон телевидениесининг ўзи хорижий фильмларни ўзбек тилида намойиш этиш имконига эга бўлди.

Мустақилликдан кейин ҳиндларнинг чуқур фалсафа билан суғорилган «Маҳобҳорат» фильмидан баҳраманд бўлдик. Кўнгилларимизга эзгулик бахш этувчи «Муҳаммадур Расулуллоҳ» фильмининг дастлабки қисмлари намойиш этилди.

Яхши кунлар шарофати билан «Дубляж» студияси ташкил этилди. Биз чет элда ишланган энг сара фильмларни ўзбек тилида томоша қилиш имкониятига эга бўлдик. Ўтган ҳафтадан бошлаб Италия киноижодкорлари суратга олган «Ўргимчак тўри» телесериали намойиш қилина бошланди. Ушбу фильм ҳақида сериални ўзбек тилида намойиш этишда меҳнати сингган ёзувчи Олим Отахон қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Фильм ўзи билмаган ҳолда уюшган жиноятчилар тўдасининг ишига аралашиб қолган журналист ҳаётидан ҳикоя қилади. Ўргимчак тўрига илиниб қолган журналист фильм давомида мафияни фош этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Таржимон — истеъдодли ёзувчи Назар Эшонқул. Дубляж режиссёри — Рустам Қурбонов. Бош роллар учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мукамбар Раҳимова, Муҳаммадали Абдуқундузовлар овоз беришган. Фильм «Спрут» фильмига ўхшаш, кўп серияли. Томошабинни эътиборсиз қолдирмайди. Фильм «Дубляж» студиясининг илк маҳсулотларидан. Биз таржиманинг мукаммал бўлишига алоҳида эътибор беряпмиз. Бунинг учун студияга истеъдодли ёзувчиларни таклиф этдик.

Зангори экран орқали «Морена Клара», «Ал-Башрининг орзу-армонлари», «Норизо ва ношукурлар» сериаллари намойиш этила бошланди. «Муҳаммадур Расулуллоҳ» фильмининг учинчи қисмини ўзбекчалаштириш ишлари жадал олиб бориляпти. Яна бир неча жаҳон киносанъати дурдоналарини дубляж қилиш ишларини режалаштириб қўйганмиз.

*Абдураҳмон ЖЎРАЕВ.*

Кино ихлосмандларига

## «САНТА БАРБАРА» ҚАҲРАМОНЛАРИ МОСКВАДА

Ойнаи жаҳонда намойиш этилаётган «Санта Барбара» телесериали кўпларнинг эътиборини тортган. Унинг ҳар бир қисмини кўришга шошилиб юрадиганлар қанча. Гап шундаки, сериал қаҳрамонлари ўтган сафар Москвага келишган эди. Яқинда Си-си (Жед Эллан), Мейсон (Лейн Девис), Тед (Тодд Макки)лар аввалдан таниш бўлган Чак Норрисникига меҳмон сифатида ташриф буюришди. Чак Норрис «Беверли Хиллз» номли клуб ресторанининг очилиш маросимига Си Сининг кинодаги рафиқаси София (Жудит Макконел)ни ҳам таклиф этган эди. Лекин у янги кинода суратга тушиш жараёни бошлангани учун Москвага келиш режасини кейинроққа қолдирибди. Меҳмонлар янги клубнинг люкс хоналарига жойлаштирилди. Бироқ америкалик «юлдуз»лар бу ерда бир неча соатларни (у ҳам бўлса ухлаш дақиқаларинигина) ўтказишди. Чунки уч кун ичида кўпроқ Россия ҳаёти, диққатга сазовор жойлар билан танишишга шошилдилар. Москва бўйлаб (ҳимоячиларсиз) Пушкин музейида, Олмос фондида сайр қилишди. Лейн Девис-ку майли, у Москвада учинчи бор бўлиши, ҳаммадан Тодд Маккига қийин бўлди. У иложи борича кам ухлаб, шаҳар ҳаёти, рус ошхонаси кабилар билан танишишга ҳаракат қилди. Чунки у биринчи бор Москвага келиши эди.

Қизиқ томони шундаки, «Санта Барбара» қаҳрамонларини ҳеч бир россиялик ўз исми билан чақиришмади. (Шу пайтгача билишмаса керак-да). Фақат Си Си, Мейсон, Тед деб чақиришди холос уларни. Меҳмонлар Москвада «Санта Барбара» ҳали ҳам давом этаётганини эшитиб ҳайратланишди.

*Фароғат ҲОЖИБОЕВА.*

Бир чимдим қаҳ-қаҳа

### ЎПКАНГ ЙЎҚ

Ўта довдир, ҳовлиқма йигит дўстига деди:

— Жарроҳлик йўли билан буйрагимдаги тошларни олиб ташлашди.

— Жарроҳлар қорнингни ёришганда сенинг бир ички аъзойинг йўқлигига ажабланишмадими?

— Нималар деб валдираяпсан, қандай аъзо?

— Ахир, сенинг ўпканг йўқку.

### ТУҒИЛГАН ЙИЛ

Сарф-харажат қилишни жинидан баттар ёмон кўрадиган қурумсоқ тоға жиянидан сўради:

— Шаҳноза, қайси йилда туғилган эдинг?

— 1985 йил 8 декабрда.

— Жуда яхши.

— Тоға, нимага сўраяпсиз, туғилган кунимда табрикламоқчимисиз?

— Йўқ, сен туғилган йилинг бир туфли олган эдим, шуни неча йилдан бери кияётганимни билиб қўймоқчиман.

### ТЕРЛАШ

Ҳар йили ишхонага беш-олти марта «Касаллик варақаси» олиб келадиган ходим касаба уюшмасининг раисига навбатдаги варақани топшираётиб:

— Шамоллаган эдим, аччиқ мастава ичдим, аспирин ичдим, горчичник қўйдирдим, барибир фойдаси бўлмади, терлай олмадим, — деди.

— Терлаш керак бўлса, бир кун сабр қил.

— Тушунмадим?

— Эртага бўладиган мажлис кун тартибига сенинг масаланг ҳам киритилган, ўша ердан терлаб, сувга пишиб чиқасан.

***

Онасининг кўзи ёриганидан кейин, отаси беш ёшли қизчасига чақалоқни лайлак ташлаб кетганини айтди. Келаси йили кўклам ўтиб, ёз келса ҳамки, лайлак ўтганини кўрмаган қизча отасига деди:

— Дада, бу йил чақалоқлар туғилмас экан-да.

***

Тўрт ёшли Даврон кўчадан уйга югуриб кириб деди:

— Ойи, ойижон, Достон акам йиқилиб, темирга урилган эди, пешонасидан мурабо тўкилаяпти.

***

Сингил акасидан сўради:

— Ака, сочингизни қимирлатинг.

— Қимирлата олмайман.

— Ҳо, алдоқчи, ойим сизга бир иш буюрсалар сочингиз типпа-тик бўлар экан-ку!

***

— Ойи, Нигора холамнинг қулоқлари ўсиб, катта бўлиб кетибдими? — сўради тўрт ёшли Сайёра.

— Одамнинг қулоғи ўсиб кетмайди, — жавоб берди она.

— Ўзингиз: «Нигора холанинг қулоғи оғир бўлиб қолди» — дедингиз-ку.

*Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.*

Турфа олам

### ФУТБОЛ НЕЧА ЁШДА?

Футбол неча ёшда, деган саволга хитойлик олимлар икки минг йилдан ортиқ, деб жавоб беришади. Милоддан 400 йил олдин чин императори саройида 25 кишидан иборат жамоа бўлган. Тўп теридан ясалган. Майдон эса чизиқ билан бўлинган.

Бу ўйиннинг футболдан нима фарқи бор?

Хитой ўйинининг қоидаси қаттиқ эди. Мукофотлаш эса оддий. Ғалаба қозонганларга қимматбаҳо совғалар беришган, ютқазганларни бўлса бамбук таёғи билан уришган.

### ЁҒОЧОЁҚ УСТАЛАРИ

Қадим вақтлардан буён Аркашон шаҳри, яъни Франция аҳолиси ёғочоёқда юришга усталиги билан мақтанишади. Ёғочоёқда юриш бу ҳали асосий гап эмас, муҳими чопиш ҳам керак.

Ҳар баҳорда Аркашонда ёғочоёқда 105 километрга чопиш мусобақаси уюштирилади. Бутун йўл тўрт босқичга бўлинган. Бу осон иш эмас. Шу туфайли машқлар бир йилга чўзилади.

*Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.*

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» (нашр номи) — 64690 (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

| | |
|---|---|
| | |
| п. в. | жойи |

64690

(нашр кўрсаткичи)

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

(нашр номи)

обуна баҳоси сўм обуна сони

янги манзилга юбориш баҳоси сўм

1997 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Дил тубидан

# ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Ойнаи жаҳонда «Қиёмат қарз» томошасини намойиш этишди. Уни раҳматли Шукур Бурҳон тириклигида кўп бора кўрган бўлсам ҳам, бу сафар менга бошқача таъсир этди.

Чинини айтганда одатий, кундалик воқеага ўхшаб кўринади томошадан чиқадиган хулоса: бировнинг ҳақига хиёнат қилма. Айтишга осон, лекин унга амал қилиш учун эса ҳаётда Сулаймон отадек инсон бўлмоғимиз керак.

Табаррук қўлёзмаларда бир сўз, бир битик қизил ипдек бўлиб ўтади: бировга ёмонлик қилма, бировнинг омонатига хиёнат қилма, бировнинг ҳақини ема, қиёматда сўроғи бор. Эҳтимол «Қиёмат қарз» деган сўз шундан қолган бўлса ажаб эмас.

Озодликка эришиш учун қуллик занжирини узиш қанчалар оғир бўлишини ҳис этардик. Шукрки, беш йил аввал бу занжир узилиб, кунпаякун бўлди. Шу мустақиллик байроғини қўлда маҳкам ушлаш, дадил олға бориш қиёмат қарзимиз эмасми? Аждодларимизнинг руҳи поклари шунга даъват этмайдими?

Ҳазрат Яссавий, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, ҳазрат Хожа Аҳрор Валийларнинг муборак номларини тилга олганда одамлар юраги бир туғёнга келиши табиий. Чунки ота-боболаримиз ул табаррук зотларнинг сўзлари билан танглайлари кўтарилган. Зеро ўшандоқ зотларнинг сўзларига эътибор беринг-а? «Ҳақдин ўзгани дема, киши молини ема», дейдилар ҳазрат Яссавий; «Қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин» деб уқтирадилар ҳазрат Нақшбанд; «Қобил элга ўзни мақбул эт, омил элга ўзни маъмул эт» дейдилар ҳазрат хожа Аҳрор Валий. Агарда бул сўзларнинг маъносини чақсак: «диёнатли бўл, шижоатли бўл, бир бурда нонингни меҳнат била топиб егил, элга ёқадиган юмуш қилгил» демакдир. Ҳар бир сўзимизда қойим туришимиз, ширинсўз бўлишимиз, хусусан, савдода ҳалол бўлишимиз қиёмат қарзимиз эмасми? Одилу ҳалол бўлиш, мард бўлишни айтиш қанчалар осон, аммо ўша фазилатлар эгаси бўлиш қанчалар мушкул.

Айниқса, «Қўлинг меҳнатда бўлсин», деган ҳикматнинг маъносини чақсак, олам-олам маъно касб этади. «Меҳнатнинг савоблигини қил» дейди ёши улуғлар. Ие, меҳнатнинг ҳаммаси савоблику! Демак, ҳар биримиз меҳнатсиз яшамаслигимиз керакми? Керак. Меҳнат қилган эса элда азиз бўлади. Шу сабаб устани, деҳқонни, косибни, сарбозни, чўпонни, муаллимни, новвойни, тикувчини қадим-қадимдан улуғлашган. Улар меҳнат қилган, савод ўргатган. Кийинтирган, едирган, ҳимоясида жон фидо этганлар.

Шуларни ўйлайману бирни ўнга, ўнни юзга пуллаётган айрим сохта «тадбиркор»ларни кўз олдимга келтираман. Асил тадбиркор йўқни йўндиради, ўзи ҳам ейди, эл-юртини ҳам меҳнат ҳосилидан баҳраманд этади. Элимнинг битта нони иккита бўлсин дейди. Хўш, келажакка юз тутган мамлакатнинг фуқароси юрт бахтини ўйлаб меҳнат қилиши керакми? Шу бизнинг қиёмат қарзимиз эмасми?

...Сулаймон ота тутинган ўғли Нўъмонжонни излаб не жойларга бормайди. Эртасини, тинчгина ўлимини ўйлаб, сарсон-саргардон юрт кезади. Тонг-ла маҳшарда юзим ёруғ бўлсин, қарзим бўйнимда кетмасин дейди. Ва ниҳоят, топади. Лекин, афсус. Сулаймон ота қалбида неча йиллаб исмини ардоқлаб келгани Нўъмонжон деганларнинг ўзгаришини кўринг: тўртта қўзичоғи тўрт юзта бўлганини, унинг пули неча мингга етишини ўйлаб, минг бир қиёфага киради. Сулаймон ота нима қилсин? Эътиқоди синмас, диёнатли, иймонли Сулаймон ота нима қилсин!..

Ҳаётда Нўъмонжонларнинг кўпайиб кетаётганини бозор иқтисодига боғлаш қисман тўғри, лекин аслида нотўғри бўлади. Сабаби «Кўпнинг ризқи кўл» дейди халқимиз. Нўъмонжонлар ана шу кўпнинг ризқини ўз ҳовузларига буришнинг пайида бўлишади. Уларга Сулаймон отадек қарши курашишимиз, дадил бўлишимиз керакми? Бу бўйнимиздаги қиёмат қарзимиз эмасми?

Истардимки ҳар биримизнинг қалбимизда Сулаймон ота яшасин. Унинг эътиқоди, ҳалоллиги, иймони яшасин. Унутмайликки, бир-биримизнинг дардимизга малҳам бўлишимиз, оқибатли бўлишимиз, пок ният, эзгу орзу билан келажакка юз тутишимиз керак. Бу бизнинг зиммамиздаги, эл-юрт олдидаги, истиқлол берган эрк олдидаги қиёмат қарзимиздир!

*Ғолиб МИРЗО.*

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Обуна—97

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Тошкент оқшоми»га йўллаган хатларингизда ўзингиз таъкидлаганингиздек, у ёки бу нашрга обуна бўлишнинг афзал томонлари кўп. Демак, шундай экан барча нашрлар қатори шу кунларда обуна кетаётган «Оқшом»га ҳам келгуси йил учун ёзилиб қўйганингиз маъқул.

УЙ МАНЗИЛИГА
- Бир ойга — 99 сўм
- Уч ойга — 297 сўм
- Олти ойга — 594 сўм
- Бир йилга — 1188 сўм.

АБОНЕНТ ҚУТИСИГА
- Бир ойга — 79 сўм
- Уч ойга — 237 сўм
- Олти ойга — 474 сўм
- Ўн икки ойга — 948 сўм.

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ — 64690.

«Тошкент оқшоми»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.

Вақт ғанимат, азиз муштарийлар. Ўзингиз севган «Тошкент оқшоми»га обунани расмийлаштиришга шошилинг!

